

## Эълон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг музейи учун ашёлар қабул қиламиз



12:54 / 10.03.2018 13927

«Ҳилол» нашриёт-матбааси ҳамда Ислом.уз портали Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг забардаст олим, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг музейини ташкил қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда устозимизнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид қуйидаги материалларни қабул қилади:

**Видеотасвирлар.**

**Фотосуратлар.**

**Китоб, газета ва журналлардаги мақолалар.** Шайх ҳазратларининг ўзлари ёзган мақолалар ёки у кишига бағишланган асарлар. Юборилган асарларнинг асли ёки нусхасида нашрнинг номи, санаси ва бошқа маълумотлар бўлса айти муддао бўлади.

**Қўлёзмалар.** Шайх ҳазратларининг ўз қўллари билан ёзилган ва илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган қўлёзмалар, мактублар, ҳужжатлар ва ҳоказо.

**Эсдаликлар.** Шайх ҳазратлари билан боғлиқ бўлган, у зотнинг дин йўлида, Ватан йўлидаги хизматларини акс эттирувчи муҳим воқеалар ҳақидаги эсдаликларни қўлёзма, компьютерда терилган матн ҳамда видео ёки овозли ёзув шаклида юборишингиз мумкин.

### **Эслатма:**

Видеотасвир ва фотосуратларнинг олинган йили, санаси, манзили ва шу билан боғлиқ воқеалар, исмлар имкон қадар изоҳланган бўлса айти муддао бўлади.

Материал эгалари уларни музейга топширишни истамаса, нусхасини юборишлари ҳам мумкин.

Ушбу эълон бўйича ҳамда шайх ҳазратларининг музейини ташкил қилиш бўйича барча таклиф ва фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

**Э.Почта учун манзил: [muzey@islom.uz](mailto:muzey@islom.uz)**

**Телеграм учун манзил: [@muzey\\_islomuz](https://t.me/muzey_islomuz)**

Аллоҳ таоло устозимизнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш, ўргатиш ва тарқатиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизга Ўзи мададкор бўлсин!